



Дехқончилик тараққиёти- фаровонлик манбаи

Ўзбекистон ва жаҳон

Қўшма корхоналар

1994 йилнинг январига Ҳўзбекистонда жами 895 та қўшма корхона рўйхатга олинган. Утган йили уларда 100 миллион сўмликдан зиёдроқ маҳсулот ишлаб чиқарилиди.

Қўшма корхоналарнинг 40 таси электрон-техника маҳсулотлари, қолганлари эса халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда сотиш билан шуғулланади.


Техниканимизда кўпроқ ташкил қилинганлиги кузатишмоқда. Жумладан, бу ерда шу йилнинг январь ойига қадар 40 дан ортқ мамлакат ҳамкорлигида тузилган 373 та қўшма корхона рўйхатга олинган. Унинг учдан бири кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришга, тўртдан бири

эса аҳолига мансий хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Анжир, мазкур корхоналарнинг 219 таси фаолият кўрсатапти, қолганлари эса ишга тушиш арафасида. 1994 йилда жумҳуриятимизда қўшма корхоналар сони янада кўпаяди. Чунончи, Германиянинг «Мерседес-Бенц», «Ферросталь», Франция, Буюк Британия, Туркия, Голландиянинг жаҳонга машҳур компаниялари билан ҳамкорликда шундай корхоналар ташкил этилади.

«Халқ сўзи» мухбири Баҳодир ОСТАНАҚУЛОВ тайёрлади.

Халқ табиати

КАШПИРОВСКИЙНИНГ СИНГЛИСИНИ ДАВОЛАГАН ЎСАРҚУЛ ОТА



Чинкент яқинида жойлашган мўъжазига Қорабулоқ кўрғонидан бу ховдондан дардан одамларнинг қадами узилмайд. Собиқ «бейбой юрт»нинг турли бурчакларидан бу табаррук уй остонасига бош уриб келётганларнинг мақсади битта — бедаво дардларидан фориғ бўлиш.

Кунлардан бир кун, Украинадан ёшгина аёл келди. Тагин ким дег — машҳур экстрасенс Анатолий Кашпировскийнинг туғилган синглиси Қаранг, дунёга танилган шундай мўъжазкор даволовчининг синглиси бир неча йилдан бери ақнафас (астма) хасталигидан азият чекиб келаркан. Кашпировскийнинг ўзи синглисидан бериб юборган икки эллик катта Ўсарқул отадан иложи борича ёрдам беришни илтимос қилибди. Табиб 27 кун деганда аёлни дардан бутунлай фориғ этди, ва танига соппа-соғ кузатиб қўйди.

Шошманг, Ўсарқул ота Ирисқуллов ким ўзи? Духтири? Халқ табиби? Ёки экстрасенсми?

Агар расман айтадиган бўлсак, ҳозир у пенсияер. Умр бўйи аҳолига мансий хизмат кўрсатиш соҳасида ишлади. Ўзининг гапига қараганда, одамларни даволаш билан 40 йилдан бери шуғулланади. Ўқу, у экстрасенс эмас. Халқ табиби десак, тўғрироқ бўлади. Унинг асосий қобилияти — турли гиеҳларнинг шифобахш хусусиятларини аниқ билиши. Гиеҳ ва илдирилган билан даволаш қадимдан маълум, уни ағванайи тиббиёт ҳам инкор этмайди. Ўсарқул отанинг халқ табибати соҳасида эришган салоҳияти ҳеч қандай муболагасиз беқеъсдир. У шол, инфаркт, бешушлик хасталикларини даволайди. Ҳатто, замонавий тиббиёт оқиллик қилмайдиган хасталиклар ҳам Ўсарқул отанинг маҳорати олдида чекинади.

У. Ирисқуллов устоз кўрп табиблардан. Бир эмас, икки «устаз»нинг мактабидан ўтган. Биринчиси — ўзининг бувиши. Шосанам момо 98 йил умр кўрди. Ўсарқулга шифобахш гиеҳларни шу бувиши таитган. Ҳа, бу ҳудо берган заковатли аёл билан ёшлагилар оқозмуна тоғу дастларнинг эса тақдиринг ўзи уни яна бир зукко инсон билан рубор қилди. Анор момо Сасиқовани асосий устозим, дейди у. Бу кесас момо Ўсарқулга турли илдирилган сир-синоатларини ўргатибгина қолмай, уни халқ табиби сифатида тарбиялади ҳам. У шундай дегувчи эди: «Сенинг вазиранг одамларга шифобахш эттиш, шундай экан, гиеҳларнинг кучиданам кўра, кўпроқ инсоний салоҳиятининг кўрсатишга таян». Ўзи ҳам шу аторга содиқ ишга бўлса керакинч, момо 108 йил умр кўрди.

Табибининг уйда тиббиёт кутубхонаси бор. Урис, Узбек, қозоқ тилларидаги собиқ шўро нашлабди ташқари Абу Али ибн Синонинг ноидир асарлари ҳам сақланади. Китоблар 200 дан ошади. Бу ховдонда яна бир махсус хона борки, уни кўришдан шифобахш ўтлар, ҳар хил илдирилган ва уларнинг талқонлари сақланган омиборхона (тўғрироғи лаборатория) дейиш мумкин. Уларнинг айримлари табибининг юртида эсмайди, шу бос Қиндистон ва араб мамлакатларидан келтирилган.

Оила аъзоларининг дерайла ҳаммаси табибга кўмакчи. Хотини Зарнон, синглиси Дилноза, келини Иристорж ва кичик қизлари гиеҳларни саралайдилар, дори тайёрлашга ёрдам берадилар. Катта ўғли Фозил билан қизи Матлубага табибники ўргатишмоқда. Фозил дори-дармонларни мустақил тайёрлайдиган билан гиеҳларнинг шифобахшлик хусусиятларини ўргатишмоқда, анди уларни қандай қўллашни яхши билади.

Бундай одамлар билан суҳбатлашш ҳам мароқли. Ўсарқул ота, эсимни таниганимдан бошлаб одамларнинг дардига малҳам бўлиш ҳаракатиданам дейсиз-у, аммо халқ табиби сифатида яқиндигина эл оғзинга тушдингиз... Тўғри, аҳён-аҳёнда танши-билишларни даволаб юрардим-у, вақти келиб машҳур табиб сифатида танилишим ҳақида ўйламадим. Ҳаммаси 1979 йилдан бошланди. Тошкентда ишлайдиган қариндошим Маҳбуба Бутабоева оғир касалга чалинибди. Касалхона шифокорлари унга жавоб бера туриб, яна уч кунлик умри қолди, дейишпти. Бундан қаттиқ таъсирланиб, ўзим даволай бошладим. Натияжада у яна уч йил умр кўрди.

Уша йили ўзимизнинг Қорабулоқ қишлоғимизда оқсоқол Дўмбой ота Ирисқуллов ҳам вилоят шифохонасида узоқ ётиб қолди. Пировардида дўхтирлар «бўлмайд» дейишиб, уинга руҳсат беришди, уинга умри узоқ экан, Оллоҳдан бўлдимки, менинг Мулложама сабабини, ишчилик яшаб юрибди, ёши тўқсондан ошди. Ана Ушадан Қорабулоққа мен ҳақимда қув-дуб гап тарқалди-ю, табиб бўлдим қолдим.

Касалликни қандай қилиб аниқласиз? Беморлар менинг хўрмурига дўхтирларнинг тайёр ташхис билан келишганини билан ҳам текшириб кўраман. Бунинг учун ибн Сино усулини қўлламан — беморнинг томирини ноидир асарлари ҳам сақланади. Китоблар 200 дан ошади. Бу ховдонда яна бир махсус хона борки, уни кўришдан шифобахш ўтлар, ҳар хил илдирилган ва уларнинг талқонлари сақланган омиборхона (тўғрироғи лаборатория) дейиш мумкин. Уларнинг айримлари табибининг юртида эсмайди, шу бос Қиндистон ва араб мамлакатларидан келтирилган.

Унинг кучини, буюк ақдоқларнинг тажрибасини унутмаслик керак. Афсуски, биз ҳозир ана шу табиб имкониятидан фойдаланмайми.

— Фақат гиеҳлар ёрдамида шол ва бошқа бедаво дардларни даволаш... Дарвоқе, инфаркт бўлган одамни тузатиб юбориш ёки чекиш ва ичкиликбозлик касалидан ўзинга бидирмай туриб халос эттиш мумкинми? — Юрак хасталикларини даволаганим бор. Менда шундай табиб дори-дармонлар борки, уни ичган киши, ўша, сиз айтган, зарари одатларидан ўзи нафратланадиган бўлади. Аммо мен бу ҳақда кишини аввалдан оқшатириб қўйиш керак, деб ҳисоблайман.

«Бедаво дард» шисаласига келсан, бундай хасталик бўлмайди! Агар мен бемор хасталикни даволай олмасам, уни тузата оладиган бошқа бир табиб, албатта, топилади. Анчадан бери бешушлик хасталигини ҳам даволайман. Бунинг учун эр-хотинга 41 кун давомида арпа-бодён дорисини ичиш кирок. Ҳозир бу гиеҳнинг қанчадан-қанча оилаларни сарлаб қолганлигини ҳисоблаш қийин. Энг муҳими, ташхисни аниқ қўйиб, табибга бериш керак. — Бировларнинг пулини ҳисоблаш оқдодан эмас-ку, аммо, Ўсарқул ота, айтигинч, беморлардан қанча ҳақ олсанг?

— Табиб, одада, ҳеч нарса сўрамастиз керак! Устозим Анор Сасиқованинг шундай ўғити бор: «Табиб бўлман десаңг, бемордан ҳеч қачон, ҳеч нарса тиламай!» Тўғри-да, бемор кишидан бирор нарса таъма қилиш юасизлик. Аммо юракдан чиқариб берганини қайтариш ҳам беандишлик. Дили оғриб қолди киши мумкин-да, ахир. Меҳнатимизнинг баҳоси — беморнинг мионатдорчилиги. Кўйинг-ки, беморнинг нима бериши мени ҳеч қачон қизиқтирмаган, қизиқтирмайдиган ҳам.

— Сиз диндорсизми? — Одамларни даволайдиган кишининг ҳудудий бўлиши шарт, деб ҳисоблайман. Момом Шосанам мени шундай таволайдиган «Одамларни даволайдиган бўлсанг, доимо пок ўр» дердилар у киши. Тўғри, ёшимдан бошлаб номоз ўқийман. Ҳеч қачон чекмаганман, ичмаганман... Суҳбатимиз «Сўнгидега Ўсарқул ота яна бир «сир»ни очди: у аширининг сути билан инсонлар терисидига оқ доғларни ҳам йўқота олар экан.

Н. МАХМУДОВ, С. СУГУРОВ.

Бугун биз мустақил давлат курашимиз. Истиқболимиз, тараққиётимиз кўп жиҳатдан фан даргоҳларида ишлаётган олимларнинг изланишларига, уларнинг жасоратига, фидойи эканига, юксак илмий салоҳиятлари ва оқилона тасвияларига боғлиқ.

Ислоҳ КАРИМОВ.

ТОМДИЛИКЛАР

Бу ерда, ҳоҳ мағрибга боқинг, ҳоҳ машриққа адоқсиз кенгликлардан кўзингиз толади. Қорли бўронлар, изғирин ҳукмрон киши-ю, гармсел турадиган жазирама саратони бу ёқларга қўнгли нокичларни йўлатмайди. Худди Грузия, Арманистон Республикаси майдонига тенг келадиган чўли-биёбон — ТОМДИ деб аталади. Туман номининг пайдод бўлиши ҳақида шундай ривоят бор: бундан икки юзми, уч юз йил бурун қизилқоралик Даутбой шу ердаги булоқдан мешига сув олиб кетар экан, сув бора-бора камайверибди. «Бу томди-томди бўлиб туғабди-ку», — дея ўша жойини Томди деб номлади. Кейинчалик ёр-биродарлари билан кўчиб келиб, шу ерин макон туттиди.

гектарига лалми дехқончилик қилинса, ёмон бўлмас эди. Ҳар қалай, берсанг ейсан, дегандан кўра, оз бўлса ҳам ўзиндан чиққанига нима этсин. Ем-хашак масаласида ҳам шу гапни айтиш мумкин. 500—600 чакирим йўл босиб хашак ташигандан шу ерининг ўзида етиштирган афзал эмасми?

Чорвадорлар қоракўл тери, жунни шундоқ давлат корхоналарига топширмайди. Шу ўринда бир фикр туғабди. Туманда 6 миң нафар хотин-қиз ишсиз экан. Томдиллик чорвадорлар йилга 1417 тонна гўшт, 17753 тона қоракўл тери, 524 тонна жун етказиб беради. Бу ҳудудда ана шу маҳсулотни қайта ишлайдиган бирор корхона қуришининг наҳотки имкони йўқ.

Чорвани қишлоқдан омонсон олиб чиқиш ниятида меҳнат қилаётган чўпон-чўлиқлар соғлиғидан шифокорлар тез-тез хабардор бўлиб туради. Улар ихтиёрида самолёт истаган отар йиғи қўнғини мустақим. Яна 5 та қишлоқ шифохонаси, бир неча акушерлик ва тиббий пунктлар аҳолига баҳоли қудрат хизмат кўрсатаётир.

Ҳа, чорвадорга ҳеч қачон осон бўлмаган. Йил-ун икки ой — изғирини жазираманам кор қилмасдан, куну тун яйло кезиш ҳар кимнинг қўлидан келвермайди. Халқимизда нақл бор: ҳавас бошқа... Қолаверса, бунинг учун улкан ярода, сабун керак. Ёнг асосийси эса ўз касбини севмоқ лозим.

СУРАТДА: шифокор Қарғоб ТИШКАНБОВЕВ чорвадорлар хузурида. Х. АБДУРАҲМОНОВ, Т. НОРҚУЛОВ. (ЎЗА).

Томдининг қайси бурчагида сув бўлса, ўша ерда одамлар истиқомат қилади. Шу бос, ҳар бир чўпон ўтовининг оралиғи ўттиз-қирқ чакирим десак, сира ақабалланмаг. Утган йилнинг ноябрь ойи адоғида ёқдан қор ҳалигача эримайди. Қорнинг қалинлиғи баъзи жойларда 60 сантиметрге етган. Ҳавонинг ҳарорати эса 18—23 даража совуқ. Аммо бу ерда ҳам, тирбанд наҳарлардагидек бўлмас-да, ҳаёт давом этмоқда. Туманда 28 ферма, 7 та давлат хўжалиқ мавжуд. Туман меҳнат ақлининг номи — чорвадан. Йилларда қора, кўк, сур керили қўйлар боқилади. Ҳозир аёз қилингани ялағочлаб турибди. Ана шундай шароитда 341 миң бош қўй, 4000 бош тўя, яна шунча йилнинг боқини омон дейсизми? Тўғри, бундай изғириндан талофатсиз чиқиш қийин. Ҳар бир бош қўйга кўнганга ярим килограммдан омихта ем берилганда ҳам, бу ойига 4500 тоннага ташиқ этилади. Янги йил бошида мутахассислар чорва озуқасини чамалаб кўриб, қўйларни баҳорга олиб чиқиш мушкул деган хулосага келди. Республикамиз чорвачилигининг посангисини босади-

Дил сўзлари ГАМХЎРЛИККА АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқини газетадан ўқиб, ойна жаҳонда тинчлагач, шундай халқларвар, ватанпарвар, деҳқонлару фермерларнинг ҳақиқий жонқури бўлган юртбошимиз борлигидан қалбимиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлиб-тошди. Чунки унинг ҳар бир каломи ўз тақдирини ер билан боғлаган, унинг орасидан тирикчилик ўтказадиган биз каби, деҳқонларнинг дилдаги, тилининг учидан гаплардир. Айниқса, Президентнинг «Деҳқон бадавлат бўлса, юртимиз оқиб бўлиши мўъжарлардир» деган сўзлари кўлоқларимиз тағида ҳамон жаранглаб турибди.

Биз бу гамхўрликка, албатта, амалий ишмиш, ютуқларимиз билан жавоб беришимиз керак. Шундай қилаймиш ҳам. Утган йили жаммоа хўжалигидан шартнома

асосида 3,1 гектар ер олиб, эрта баҳорда унга яхши ният билан чигит эккан эдик. Уруғ бир текис усдириб олганини, парвариш эса оби-тобидан ўтказилган тўфайли йилда 12,5 тонна пахта йиғиштириб олдик. Бунинг эвазига 1 миллион 707 миң сўм дармад қилдик. Бундан ташқари, 170 килограмм пахта ёғи, 920 килограмм кунжара, 500 килограмм шедуха, 100 тона кир совун терди. Кўриб турибсизки, булар рўзгорини бутлаш билан бирга хусусий чорвани ҳам бемалол боқиш имкони я беради.

Жорий йилдаги ниятишимиз янада юксак. Ҳар гектар ердан намида 40 центнердан пахта етиштирмоқчимиз. Ҳозирги кунда бўлгуси ҳосилга пухта замин яратилапти.

Тозагул ТУРУМБЕТОВА, Богот туманидаги «Богот» жаммоа хўжалигининг ижарачиси.

ИШОНЧЛИ КАФОЛАТ

Президентимизнинг Вазирилар Маҳкамасидан йилгишда сўзлаган нутқини эр ҳажон билан эшитиб, руҳимда бир енгиллик ҳис этдим. Чунки юртбошимизнинг сўзлари биз фермерларнинг айна дилдаги гаплар. Мухими, куюнчалик билан айтилган муаммолар. Ўз ечимини топадиган бўлди.

Дарҳақиқат, фермер деҳқон хўжалиқлари олдида каттор муаммолар бор. Айниқса, уларни ер, техника, ўғит ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатиш тизимини янжуқта келтириш тизимини фикрларнинг ўртага ташлашга иштин айна мудақ бўлди. Ишончим комилки, ҳадемай тадбиркорлар учун янада кенгроқ имкониятлар яратилади. Айна чорва биз фермерлар ҳам давлат ёрдами билан гамхўрликларини амалий иш билан оқлашимиз лозим.

Айтиш мумкинки, давр ишбилармоннинг эзмасига катта ва масъулиятли вазиранга қўйишмоқда. Келгусида халқини сўт, қатг, гўшт ва бошқа маҳсулотлар билан фақат давлат эмас, балки асосан фермер-деҳқон хўжалиқлари таъминлашлари лозим бўлади. Ана шу шароит билан бурч ҳақида ўйлар эканман, фермер хўжалигини мизини янада кенгайтириш, пировардида маҳсулот ҳажонини кўпайтириш режаларини рўбга чиқаришга бўлган иштингиз «янада орди. Бир сўз билан айтганда, юртбошимизнинг Вазирилар Маҳкамасидан йилгишда сўзлаган нутқини фермерчиликнинг истиқболи порлоқ эканлигига билдирилган яна бир ишончли кафолат бўлди.

Абдураим ОЧИЛОВ, Мирзаобод туманидаги «Юлдуз» фермер хўжалиғи соҳибни.

БИР ҚЎЙ—БАРАКА, УЧТАСИ—ҲАЗИНА

Алшпер Навоий номли жаммоа хўжалигининг бригада бошлиғи Усмонов ҳожи Абдуллаев саксонинчи йилларнинг бошидаёқ ёрдамчи хўжалик ташкил этиб, мол, қўй ва парранда боқибди йўлга қўйган эди. Маана йили йилдирки, у фермерлик билан шуғулланмоқда.

— Оиламиз қарийб 40 кишидан иборат, — дейди ховандон соҳибни. — Утган йили қолхоздан ҳам, давлатдан ҳам қарз олмасдан, шах-

сий жамғармамиз ҳисобига 80 бош қорамолга мўлжалланган молхона қурдик. Эски бинолар эса қўйхонага мослаштирилди. Айни кунларда 150 бош қорамол, жумладан, 50 бош қўйни парваришлаймиш. 26 гектар майдонда эса жониворлар учун тўймали озуқа етиштирилмоқда.

Жаммоа хўжалиғи билан тузилган шартномага қўра, утган йили фермерлар 36 тонна ўрига 46 тонна сўт, 2 тонна гўшт топширишган эди. Бу йил эса 50 тонна сўт, 3 тонна гўшт тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

М. РАҲИМОВ, Ёзёнов тумани.



Эртага афсус чекмайлик

(Давоми. Боши 1-бетда). Маълумки, қўрғонхона музейи Самарқанднинг 2500 йиллик тўйи муносабати билан очилди, иш бошлаган. Унинг биносини республика ҳукуматининг ўша тўйга тўёнаси деса бўлади. Ингирма йиллик фаолияти давомида музей қадимий маданиятимизнинг тарбияotchиси сифатида кўп ишларни бакарди. Ташкил қилинган дастлабки чоғларда Археология институтининг тадқиқот лабораториясини ҳам ҳисобларан ва бевосита ўша муносабасига бўйсунар эди. Унда кино заллар, тадқиқотлар олиб бориш учун махсус хоналар мавжуд бўлган. Бу ерда ҳақиқий мутахассислар — археолог олимлар иш олиб боришади. Лекин кейинчалик музейи Маданият вазирлиғи ихтиёрига берилди. Ана шундан сўнг унинг кўрунклилари

бошланди. Директорликка тайинланган баъзи кишилар аҳолини шу даражага етказишдики, ҳатто, юқори ва топиламалар сақланган қўйи қаватларга кириб бўлмай қолди.

...Хуршид Муҳиддинов билан боининг юқори қаватига чиқдик. Қўпол ўхшатиш учун кеचиршисини, аммо бу ерда худди қуролли боқинчилик уюштирилганга ўхшарди. Деворлар сувоғи кўчиб тушган, деразалар синган. Иккинчи қават ўртасидаги майдонга четлари ёпилган шиферларнинг анчаси йўқ. Бирини парча-парча бўлиб кетган, бошқаси эса... Илгари кўрғонхонага қўйилган буюмлар ҳозир қўтиларга жойланган, захиралар сақланган хоналарга беритиб ташланган. Бу аҳолини кўриб, ана шу нарсаларнинг аҳамиятини чўчуғ англайдиган археолог олим эмас, од-

дий томошабиннинг ҳам юрти ўртаниб кетади. — Наҳотки, бино шу аҳволга тушқунга тураверган. Ахир ҳеч бўлмас, раҳбарларни олиб келиб кўрсатиш, улардан ёрдам сураш мумкин эди-ку?... — Ана шунга кўяман-да, — дейди музейи директорни. — Энди билишимча, баъзи директорлар хўжақўрсинига ишланган. Сен менга тема, мен сенга темай, деб юрмавершган. Майли, буларниқу қўйверинг, бир иложи топилган. Бутун «Афросиёб» музейининг фахри, гурури бўлган, Самарқанднинг VII асрданг ҳукмдорларидан бири — Вархуманинг саройи деворларига чизилган машҳур расмлар тақдирини ҳам бутун бизни ниҳоятда ташвишлантирапти. Улар музейидаги хоналарнинг бирига ўрнатилган сўнг ҳеч нарса билан муҳофаза этилмаган. На мў-

тадил иқлим яратилган, на ойна билан ўралган. Агар шундай тураверса, яқин йиллар ичнда ундан бутунлай ажраллишимиз турган гап. Ахир бу расмлар Фарбонинг машҳур санъаткори — Рафалъ асарларидан ҳам етти юз йил аввал чизилган... Ана шунча гаплар. Музейидаги аҳолини кўриб, унинг атрофида содир бўлаган воқеаларни эшитиб, қўнглигиз хира тортади. Самарқанд бадини-меморчилик музейи-қўрғонхонаси ходимлари вазиранг ўнглаш учун қўйи ҳаракат қилишапти. Лекин бу ердаги ишлар анди икки-уч миллион сўм билан ҳам битмайди. Шу тўфайли уларнинг қўли калта.

«Афросиёб» музейи ёрдамга муҳтож. Агар унга юқорида айтилгандек, муносабат давом этса, таъмирлаш

«ЮЛДУЗ» БАЙРАМГА ТАЙЁРЛАНЯПТИ

ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИЛГОРЛАРИДАН БИРИ БЎЛГАН БУ ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАММОАСИ 19 МАРТ КУНИ ИККИ СМЕНАДА ШАНБАЛИК УТКАЗИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ.

БИРЛАШМА меҳнатчиларининг Наврўз умумхалқ байрамига тайёрлик кўриш ва уни юксак савияда уюшқонлик билан ўтказишга бағишланган умумий йиғилишида илгўр тикувчиларнинг байрам байрами шарафига ҳор байрами шарафига тўғри-шанбалик ўтказиш қизғин тасдиғи тақдирлари қизғин маъқулланди. Йиғилишда сўзга чиққанлар иқтисодиётини ислохотқилар кейинги кунларда кенг қўлмада амалий тус олётганини, мулкчиликнинг йилча шаклланиши ва қўллар истиқболли тузилмада пайдо бўлаётганини таъкидладилар. Ушун даярининг мураккаб ваифаларини муваффақиятлик ҳал эттиш учун элда ҳамкиҳатлик, жипсизлик, юксак меҳнат иштироки зарурдир. Наврўз умумхалқ байрами ўзининг бой ағваналар билан айнаш ва наифаларнинг ечимига хизмат қилади.

А. ПУЛДОШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АҚШГА ТАКЛИФ

Жаҳқаро радиофизикалар жамиятининг 1993 йилда Япония пойтахти Токио шаҳрида ўтган бош ассамблеяси йиғилишида академик Пўлат Ҳабибуллаев шу ташкилотнинг ҳақиқий аъзоси этиб сайланган эди. Яқинда у аъзолик дипломинга олди. Шунингдек, олимга АҚШдан ҳам қувончли хабар келди. Бу мамлакатдаги «Элшнпресс» нашриёти унинг «Суюқ кристаллар реалогияси» китобини нашрга тайёрлаётган экан. Шу муносабат билан корпорация вице-президенти Эдвард Майкл академикни Нью-Йоркга таклиф қилган.

(ЎЗА).

Иқтисодий қирралари

30 МИНГ СЎМНИ МИЛЛИАРДЛАРГА АЙЛАНТИРСА БЎЛАРКАН

«Аму» ишлаб чиқариш ва савдо-тикорат фирмаси Хоразмда ишбилармонлик ва тадбиркорлик йўлини танлаган ўнлаб жамоаларнинг бири. Вилоятда номи билан танилган ушбу фирма Янгйозор туманидаги Бўзқалъа қишлоғида фаолият кўрсатайти. У омиликорлик қўл урганлар маҳсулати ва маблағи маҳсули. 1991 йилнинг бошида Мадрахим Матқубовнинг оила аъзоларидан таркиб топган беш кишилик жамоа аъзолари бугунга келиб 100 кишига етди. Атиги бир неча минг сўмлик маблағ эса шу вақт ичда бир неча миллиард сўмга айланди. Биргина 1993 йили ишлаб чиқарилган ноз-неъматлар, халқ истеъмолчи моллари ўша йилги нархларга чақанда 2 миллиард сўмга тенг бўлди. Бундан авваламбор жамоа қўлаверса, бутун қишлоқ, туман аҳли наф кўрди.

1993 йили бунёдкорлик соҳасида янада катта қадамлар ташланди. Қардош Туркманистонда ва туман марказида фирманинг иккинчи шохбаси очилди, учинчи шохбаси Россиянинг Владимир вилоятида иш бошлади. Бу билан вилоятимиз учун сув билан ҳаводек зарур қишлоқ хўжалик машиналари ва уларнинг эҳтиёт қисмларини арзон нархларда харид қилиш, деҳқонларимиз, фермерларимизга арзон баҳоларда етказиб бериш имкони туғилди. Булардан ташқари ун тегириони, мойкувоз, новвойхона ишга туширилди. Қурилиш-таъмирлаш ва монтаж ишлари ҳам иختисослашган кўча механизациялашган колонна ташкил этилди.

Барпо этилаётган корхоналаримиз учун талаб этилаётган ишлаб чиқариш воситаларини Россия ва Туркманистондан қўлай нархларда сотиб олишга муваффақ бўлди. Корхона қуриш қанчалар арзонга тушса, соф фойда ҳам шунча катта бўлиши маълум. Бир сиримиздан

сизни огоҳ этай. Биз туркманистонлик биродарларимизнинг илтимоси ва буюртмаларига кўра, у ерда халқ хўжалиги иншоотларини барпо этилаётган. Бундан олиннадиган сармоини эса Россия Федерациясидан мол ва маҳсулотлар сотиб олишга сарфлаймиз. Юртимиз бойликларини қўлайитиришда бунинг самараси катта. Дўконларимиздаги мол ва маҳсулотларни анча арзон нархларга харид қиламиз, ўз навбатида уни арзон баҳоларда сотаямиз, қарамогимиздаги камхарж оилаларга, айрим ишчи-хизматчиларга, мактабларга эса бепул тарқатамиз.

Қишлоқда моддий бойлик яратиш масканлари бунёд этилганлиги фирма раҳбариятининг йўналиши саналса, меҳр-муруват борасидаги сўй-ҳаракатлари бағоят хайрли ва савобдир. Биласизми, сўзида давом этади, Мадрахим ака, — Оролин ҳамон қилиш кўмитаси минтақа барқарорлаштириш билан бирга эл-юрт ободончилиги, хайр-саховат бобидан тадбирларга ҳам дахлдор ташкилот. Унинг раиси, профессор Пирмат Шермухаммедов ва кўмитамиз аъзоларининг тақдир-тавсияларига буюнган инсоний ўрчимиз ва қаринимизни ўтатиш, ажодларимиз аъваларни изчил давом эттиришга ҳам баҳоли қўлат улуш кўшаймиз. Фирма Хивадаги 20

сон болалар уйи тарбияланувчиларига икки йилдан буён оталиқ қилади. «Бўзқалъа»даги 20 чогли камхарж оиланинг таъминотини ҳам фирма ўз зиммасига олган. Қишлоғимиздаги 12 километрлик ички йўллар уларнинг техникаси ва маблағи ҳисобига асфальт қилинди. Қишлоқда ишсизлар сонини камайитириш, дўкон ва бозор тўқиллигини таъминлаш, нарх-наво арзонлигига эришишда ҳам тадбиркорларнинг улуши катта. Жамоа хўжалиги қорвдорлари билан қизғин рақобатта бел болаган фирма қарамогидидаги ферма жамоасининг ҳаёти билан яқиндан танишдик. Қорамолларимиз бош сонини 63 та, қўйлар сонини 500 га етди. От ва туяларимиз ҳам бор, — изоҳ берди Мадрахим ака. Қўлаган гапларини Мадрахим аканинг турмуш ўртоғи, ферма мудири Норул опанинг ўзи сўзлаб берди: — Мулкима Узимзиевна, деб қараганимиз учун ҳам биримиз икки бўлаётми, дейди у ишонч билан. — Қишлоқ аёли уйда ҳам қорвдор. Бу — онла дастурхонини тўқиб бўлади, дегани. Мен ҳам қорва сирини яхши биламан. Утган 2 йилда давлатта 27,5 тонна сўт, 15 тонна гўшт топширдик. Бахтиёр Матмуродов, Улғубек Матқубов, Мадамин Нисаматов каби асл қорвдорларимиз борки, юкнимиз ерда қўлмайди. Кўп эмас, бир-икки йилларда кам де-

ганда 500 бош қорамол, 200 бош қўй-эчкимиз, ўзимизнинг сутни қайта ишлаш ва қолбаса тайёрлаш цехимиз бўлади. Мудиранинг сўзларига шубҳа йўқ. Бонси, бу сўз ва режанинг замирида аниқ-тиниқ ҳисоб-китоблар турибди. Аммо сўт ва гўшт етиштиришдан олиннадиган даромад ҳаражатлар ўрнини қоплаш гумон. Лекин муаммодан қўтулиш йўли ҳам йўқ эмас. Юқоридигидек қорхоналар зиёни — фойдага, мушкулни — осонга дундиради. Астойдил илтиланлар муродга етмай қўлмайди, муаммо борки, ечими ҳам мавжуд. Энди тадбиркорлик бўлоғи кўзини очатганлар ҳақида икки оғиз сўз. Мадрахим Матқубов ҳаётнинг чорак асрини тумандаги қишлоқ хўжалик техникаси таъминоти ва таъмирлаш идораси хизматига бағишлади. Ишбилармонлик фаолияти туғайлиги у ўзини кашф этди. Омилкорлик илми сирларини кўнг билан ўрганишяпти. ...Айримлар ўйлагандек, омаднинг кўзи кўр эмас, У тинимсиз меҳнат қилганларга, изланганларга қўлиб боқадди. «Аму» фирмаси ишбилармонларида эса бундай фазилятлар бисёр. Асл ишбилармонлик — элу юртга садоқат, ҳалоллик ва жонқуялик фазилятлари намоёнлашди. Бунинг унутмаслик керак. Абдулла СОВИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ПРЕЗИДЕНТ МУНОСАБАТЛАР ЯХШИЛАНИШИГА ИШОНТИРДИ

Озарбайжон Республикаси Президенти Гайдар Алиев Буюк Британияда расмий сафарда бўлди. Лондонда бўлиб ўтган матбуот конференциясида Озарбайжон раҳбари «мен бу мамлакатдан илқ туйғулар билан қайтман ва сиёсат, иқтисод, маданият ҳамда фан-техника соҳаларида ўрнатилган икки томонлама муносабатларнинг ҳар жиҳатдан мустақамланишига ишонман», — деди.

ПОЛИЦИЯ КЎПАЙГАНИ БИЛАН ЖИНОЯТЧИЛИК КАМАЙМАЙТИ

Америка Қўшма Штатларининг йирик шаҳарларда полициячилар сонини кўпайттиришга ишонч бўлмоқда. Нью-Йорк полицияси шахсий таркиби бу йил 4 минг нафарга кўпайди. Полиция бошқармаси тарқатган хабарга кўра, 1993 йили Нью-Йоркда 1.623 киши қотиллик қурбони бўлган.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Братиславада Россия Федерацияси ва Словакия савдо-сановат палаталарининг ҳамкорлигида иш олиб бориш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Шартномадан кўзда тутилган асосий мақсад икки давлат тадбиркорларининг тургундан-тургун алоқа ўрнатилишига кенг йўл очидир.

ЯНА ОРТГА СУРИЛДИ

Россия ва Эстониянинг давлат чегаралари тўғрисида шартнома тузиш Эстония делегацияси томонидан ортга сурилмоқда.

Бу ҳақда генерал-лейтенант Константин Плешко Санкт-Петербургда чиқадиган «Невское время» газетасига берган мусохабасида айтди. Эстониянинг айрим расмий шахслари фикрича, бу масала яқин орада ҳал бўлмайди.

РАСМИЙ ВАКИЛ БАЕНОТИ

Афғонистон Ислон партияси (АИП)нинг раҳбари, мамлакат бош вазирини Гулбиддин Хикматёр раҳбарлари Қўбулга илбатан қўлланган қанчал қолганини тўхтамоччи эмас. Афғонистон Ислон партиясининг расмий вакили Навоз Салимин баёнот беришича, Г. Хикматёр раҳбарлигидаги партиянинг барча талаблари тўлиқ бажарилмагунча ўзаро музокаралар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

МАГАТЭнинг НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИ

Австрия пойтахтида атом энергетикаси бўйича халқаро бошқарув кенгаши (МАГАТЭ)нинг навбатдаги сессияси иш бошлади.

Сессия кун тартибиде муҳокама қилинадиган энг асосий масалалардан бири ядро хавфсизлиги бўйича конвенция лойиҳасидир. Бу лойиҳа икки йил давомида 60 та давлат иштирокида тайёрланган. Шунингдек, Корея Халқ Демократик Республикаси ўзининг ядровий тадқиқотлар марказларига халқаро тенхирувчиларни киритмаётгани билан боғлиқ масала ҳам атрофича кўриб чиқилади.

ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

ПЕКНИН. Бу ерга Хитой, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикаларининг ҳукумат делегациялари чегара масалаларини келишиб олиш учун йиғилди. РАТА-ТАСС ахборот маҳамасининг хабар беришича, музокаралар дўстона, турли тақлиф ва фикр-мулоҳазаларга бой ўтган. Яқуний хулосаларга кўра, иштирокчилар ҳамкорлигида имзоланган шартнома лойиҳасини ишлаб чиқишга келишганлар. (ЎА).

Илм масканларида

ШАРҚШУНОСЛАРИМИЗ ДУНЁГА ЧИҚМОҚДА

Республикамиз мустақилликка эрилиши билан шарқшуносларининг жонланган, мутахассислар тайёрлаш ҳамда унинг долзарб муаммоларини илмий тадқиқ этиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасига айланди. Институтда яқинда араб тилидаги эама маданият ёдгорликларини ўргатиш, ўзбек тилининг тарихий луғатини тузиш, Шарқ мамлакатлари ва минтақавий муассасалар бўйича маълумотлар банки ҳамда ўрта турк тилини яратиш муаммолари билан шуғулланган янги бўлим ташкил этилди. Айни пайтда жамоамиз 15 га яқин чет эл илмий-тадқиқот маркази ва ўқув муассасалари билан ҳамкорлик қилаётми. Ал-Аҳзар, Қоҳира, Оксфорд, Қувайт, Бахрайн, Қатар, Байрутдаги Америка доирфундуни, Пекин тиллар институти каби илмий ва ўқув муассасалари билан ўрнатилган алоқалар ўзининг илк самараларини бермоқда. Ўнлаб илмий хо-

дими, ўқитувчи ва талабаларнинг этакчи марказларида малакаларини ошириш имкониятига эга бўлдилар. Институтимиз олимлари халқаро анжуманларда маъруза қилиб, мустақил давлатимизни жаҳон илмий жамоатчилигига яқиндан таништириш, унинг интеллектуал қудратини тўла намоеён этишда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Давр барча соҳалар каби фандаги тадқиқот ишларини ҳам янгилаш усулида ташкил этишни тақозо қилмоқда. Бу эса илмий изланишларни имкони борица компьютерлаштиришни талаб қилади. Компьютер илмий-тадқиқот суръатини тезлаштириш билан бирга, унинг самардорлигини ҳам кескин ошириш маълум. Афсуски, ҳозирча бундай имкониятларимиз бирмунча чекланган.

Илмий тадқиқот ишларининг кенгайиши, малакали шарқшуносо мутахассисларини тайёрлаш кўп жиҳатдан ўша институтнинг кутубхонаси қай даражада эканлигига боғлиқ бўлади. Уни янги адабиётлар билан мунтазам тўлдириб бориш даркор. Сўнгги бир йил давомида хорижий муассасалар билан қилинган ҳамкорлик натижасида кутубхона фонди минг жилдга яқин ноёб китоблар билан бойитилди. Табиийки, бунинг учун катта миқдорда маблағ керак бўлади. Лекин унинг «солини ўзидан чиқарса» бўлади. Масалан, сўнгги йилларда айрим олий ўқув юрталари хорижий талабаларни ўқитиш ҳисобига эркин муомаладаги валюта олаётми. Юқоридеги сингадари муаммоларни келажакда ана шу маблағлар эвазига ҳал қилиш имконияти туғилса, ажаб эмас. Биз ана шундай йўл билан ривожланган мамлакатлар олий ўқув юрталари тажрибаларини кенгроқ истефода қилишимиз мумкин.

З. МУНАВВАРОВ, Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий ишлар бўйича ректор муовини.



Шофирқондаги таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхонаси қошида ташкил этилган устахонада ёғоч қипригидан уй шифтиларини пар-

дозлашда қўлланадиган гуллик плиталар тайёрлашга киришилди. Ҳозир ойнага 1200 донга сифатли ҳаридорғир маҳсулот сав-

до ташкилотларига жўнатилайти. СУРАТДА: уста А. Шодиев янги намунадаги ишчи кўрсатайти. Х. ҚЎРВОНОВ тасвири.

◆ МАВЗУГА ҚАЙТИБ

ТЕРИМЧИЛАР МУСОБАҚАСИ АНЪАНАГА АЙЛАНДИ

«ХАЛҚ СЎЗИ»нинг ўтган йилги сонлеридан бирде Фаргона вилоят қончилиги ва касоба уюшмалари вилоят кенгаши ҳамкорлигида пахта йигим-теримда фаол иштирок этган теримчиларга қувалик машҳур пахтакор Шайхон Мўминова номидаги мукофотлар таъ-

сис этганлиги ҳақида хабар берган эдик. Мусобақа шартларига яқинда яқин ясалди. Вилоятнинг барча туманлари голибликка даввогарларни ҳакамлар ҳаётига тақдим этди. Улардан 50 киши мукофотга муносиб деб топилди. Пешқадам теримчиларининг ҳар

бири 50 минг сўм мукофот пули ҳамда фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Агросаноат мажмуи ходимлари касоба уюшмаси эса энг илғор теримчиларни санатория, дам олиш уйларига бепул йўланмалар билан таъминлашни ўз зиммасига олди. Ҳар йили пахта мавсумида фаоллик кўрсатган теримчиларга шу мукофотни бериш анъанасига айланиб қолди. Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Хабарлар

ЖАМГАРМАНИНГ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ

ЖИЗЗАҲДА янжорқ ешларининг «Истеъдод» республика жамғармаси вилоят бўлими иш бошлади.

ВИЛОЯТ қончилиги ўзининг захира фондидан жамғармага нелгусидаги фаолиятини йўлга қўйиш учун уч миллион сўм маблағ ажратди.

Шу воқеага бағишлаб ўтказилган таъсис конференцияси иштирокчилари воҳа меҳнатқашларига мурожаат қилиб, иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган истеъдодли, тадбиркор ешларини излаб топишда, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда амалий ҳамкорлик қилишга чакирди.

ҚИЗИКЛИК ҲАМ МУҲИМЛИКЛАРИНИ КЎТЎРМОҚДА

ФОРИШ туманидаги кўшманзара Қизилқирғизликларининг республикамизнинг халқ ўйилари намоиши этиладиган анъанавий майдонга айланди.

Республика миқёсидаги спорт, маданият ва санъат фестивали ҳам айнан шу ерда, май ойида ўтказилган бўлади. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси туман марказида ўтказилган семинар-кеңашда шундай қарорга келинди.

Х. НАБИРАЕВ.

Advertisement for 'TEKNEZIS-INFO' featuring computer equipment and contact information. Includes text: 'Сизга шахсий компьютерларини шартнома асосида етказиб беришни тақлиф қилади:'. Lists models like 'PC/AT 386/387 DX' and 'EPSON фирмасини матрикс принтерлари' with prices.

Advertisement for Procter & Gamble featuring 'S&V' kushma khorxonasi. Text: 'Эндиликда сиз Тошкентда ҳам Американинг Procter & Gamble маҳсулотларини сотиб олишингиз мумкин'. Includes contact info for 'Ташкент ш., Халқлар Дустилиги пр., 8-уй, 806-хона'.

Улмас УМАРБЕКОВ 60 ёшда

# ЎНТА БЎЛСА, ЎРНИ БОШҚА...

Ўзбек адабиётининг 50-йиллар ўрталарида кириб келган сўз санъаткорлари авлодига мансуб, ҳозирги ўзбек адабиёти ривожланишига маънавий даражасида ўзининг хиссасини қўшиб келаятган истеъдодли ёзувчи Улмас Умарбеков 60 ёшга тўлди.



Улмас Умарбековнинг салкам 40 йиллик ижодий фаолиятида яратилган ҳикоялар, қиссалар, романлар ва драматик асарлар воқеаларини, уларда иштирок этувчи бадиий образларга қараб ёзувчининг дунёни идрок этиш қобилияти юксалигидан хайратга тушасан киши. Жумладан, 50-йиллар қишлоқ ёшлари ҳаётининг романтик гузалликларини тасвирловчи «Олтин апроқлар» китобидан ўрин олган ҳикояларнинг қаҳрамонлари умумий тушунчаси, дунёқарashi, қалб кечинмалари ўз даври шароитига нисбатан шу даражада муқобил тасвирланганки, уларни ўқиш 90-йиллар китобхонага ҳам ўзгача завқ бағишлайди. Бу Улмас Умарбеков ижо-

дий фаолиятидаги турли жанрлардан иборат қатор асарларни маҳорат билан яратилганлигидан далolatдир. Ёзувчи ҳикояларнинг умумий гоёси ёшларни юксак ахлоқий фазилатли кишилар бўлиб етишишга ундаш билан бирга ҳаётда муносиб кишилар сифатида ўз ўрниларини топишга даъват ҳамдир. Масалан, «Олтин апроқлар», «Баҳор», «Вурибосар» сингари ҳикоялари ана шундай хусусиятга эга. Улмас Умарбеков ўзбек романчилиги ривожини учун ҳам ўз улушини қўшган истеъдодли ёзувчидир. Унинг «Одам бўлиш қийин» романи адабиётимизда ўз вақтида воқеа бўлган эди. Танқидчи С. Мирвалиев таъкидлаганидек, Улмас Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин» романи фақат миллий руҳ ва маҳаллий колорит устулиги билан эмас, балки услуб жиҳатларига кўра ҳам бошқа романлардан фарқ қилади. Истеъдодли ёзувчи ўз асаридида халқимизнинг «Одам бўлиш қийин, олим бўлиш осон» деган нақлининг азалий моҳиятини турмушда содир этилиши мумкин бўлган ҳодисалар орқали қўйилмақом қилиб тасвирлай олган.

У моҳир драматург сифатида «Арзасига кўра», «Курорт», «Шошма, қўёш» каби қатор пьесалар яратиб,

Ўзбек театр санъати тараққиётига ҳам муносиб улуш қўшди. Драматург яратган сахна асарларида, энг аввало, инсон тақдирини, унинг ички кечинмалари, жамиятга муносабати турли образлар орқали ёритилган.

Менимча, бутунги ўзбек адабий жамоатчилиги зиммасидаги асосий вазифалардан бири — мустақил давлатимиз маънавиятини ривожлантиришга ёрдам берадиган бадиий ижод маҳсулларидан баҳраманд бўлиш йўлларини қидириб топишдан иборат. Бундай йўллардан бири — Улмас Умарбековга ўхшаган адибларимизнинг асарларини имкон қадар кўпроқ тарғиб этиш, ижодкорни янги асарлар яратишга руҳлантириш, уни ҳар томонлама рағбатлантиришдир.

Улмас Умарбеков нафақат ижодкор, балки эл-юрт маданиятига сидқидилдан хизмат қилиб келаятган жамоат аربоби ҳамдир. Шу боис, сўз санъаткори ҳақида гап кетганда, адабиётшунослар даврасида Улмас Умарбековга ўз халқи, Ватани келажиги, унинг мустақиллиги учун жон куйдирган ва имкон қадар хизмат қилиб келаятган ижодкор сифатида баҳо берилди.

Биз бир гуруҳ маданият ходимлари, устоз ва талабалар, сеvimли адибимизга узок умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ, профессор.

Чортоқ туманидаги «Гулшан» санаторийида қошида фаолият кўрсатаётган «Шифокор» ансамбли жамоаси вилоятларда истиқомат қилаётган бастакорлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйди. Яқинда Самарқанд давлат университетининг катта ўқитувчиси Равшанжон Ҳамроқулов уларга янги кўшиқларини таъдид этиди.

СУРАТДА: бастакор Р. Ҳамроқулов ансамбль раҳбари А. Болтабоев билан. Т. ҲАМРОҚУЛ тасвири.



## САНЪАТ ОЛАМИДА

### МЎЙҚАЛАМ ВА КЕСКИЧ БИЛАН...

Германиянинг Тошкентдаги элчионасида бадиий кўргазма очилди. У инсониятни бирлаштириб турган абадий қадриятлар ва юксак орзуларга бағишланган, Кўргазма республикамиз халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси билан биргаликда ташкил этилган. Бу ерда асарлари Германияда намойиш этилган rassomлар, ҳайкалтарoшлар, заргарлар ишлари қўйилган. Кўргазма очилган кунда уларнинг ижоди билан танишиш учун санъат аربоблари, жамоат ташкилотларининг, Ўзбекистондаги дипломатия ваколатхоналарининг намоёндалари келишди.

### ДАСТА НАВРЎЗГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Андижон вилоятининг Избоскан тумани маданият саройида ташкил этилган «Олтин сўз» дасмаси хаваскор артистлари юртдошларини халқ кўшиқлари ва замонавий кўшиқлари ҳамда рақслари билан хурсанд қилишмоқда. Улар кўпроқ она юрт ва унинг меҳнатшар одамларини, мустақиллигини, яқинлашиб келаятган Наврўз баҳор байрамини тараннум этувчи кўшиқларини қўйлайдилар.



Уфқ зарҳаллашиб, тонг ёришганда, Оқ сояли воллидам айтди: «Бисмилло». Оташлар туйғулар дилда жўшганда, Дeyма: «Нон ўрнини босолмас тилло!»

Ахир, Одам Ато бўлмасдан пайдо, Пайдо бўлмаганим азиз номимиз? Шабнамни майсага сочганда само, Севинчдан томирда ёнган қовимиз.

Бугунчи, мезийдан келар бир калом: «Билсанг, нонга боғлиқ янаш қисмати!»

Ер умрин берорга ўтказмас мўдом, Юртга фидо бўлса деҳқон ҳиммати.

Оруз турналари фалакка учган, Саъдий айтган каби нон бўлгач дармон.

Не сўнгиқ кўзларга умидлар кўчган, Бобур Самарқандда улашганда яон.

Қадим «Нонга сероб элдир, — деганлар, Шу элнинг йўллардан ўтса карвони». Бугдойзорга туташ бўлса уфқлар, Деганлар: «ушалган деҳқон армони».

Менинг қишлоғимда сўйлар завқланиб, Келиб-кетгучига тиш йўқ Жура: «Ўзбек дийрини чиққин айлиниб, Нонсиз ўтмас ҳатто паловхонтура!»

Қўлимдан тутайди юрсам, йўлимда — Эртаги кунларга чорловчи умид. Қанотли кўшиқдир менинг дилимда, Бугдойим бошоғи — ёнган марварид.

Хуеусан, баҳорда уруғ сочилиса, Деҳқон юзларига кўчар жозоба. Боладай ярайман нон ушатилса, Ахир нон оламда тенгсиз мўъжиза.

## ҲАМРОҚУЛ РИЗО

Не бахт, менга таниш онам нафаси, У тандир олдига турар ҳар дафъа. Ахир нон кўзимнинг оку қораси, Ахир нон шонига қўшиқ, фалсафа.

Шу боис, ёз фасли асл деҳқонлар, Хизрли хирмонда бугдой шонирсин. Шу деҳқон уйига қайтган онларда Йўлини соч билан пари сукурсин.

Шу деҳқон бор экан, азиз биродар, Доим таралгуси иссиқ нон исн. Ҳар кун тонг билан бирга уйғонар, Ширмоёй ёшай деган Сирдарё қизи.

Лекин йиғилмасдан қолса гар бошқо, Уйлар бурчагида чирқиллар арвоҳ. Нанки, ушоққа боқмасдан ўтмоқ Дунёда аталур энг оғир гуноҳ.

Нон тишлатган, ўғил йироққа кетса, Қайтиб келар, дея Момогул знам. Ўнмики нонни кўзга суртмай хор этса, Ўтида куйдирсин уни жаҳаннам.

Чунки бугдойзорда тебраниб ўсдим, Аммо офтоб баъзан хира балқанди. Нонни охурларга солганда дўстим, Асабим торларни музлаб, салқанди.

Чинаноқ ўрнига ўтмас тош ва қум, Садафини ўрнига ўтмайи сопол. Қўлларинг хивчага айланиш шу зум, Магарки, сен нонни айласанг увол.

Истайман, номимиз байроғимиздай Доим баланд турсин кўзларимизда. Гулларга бурканган боғларимиздай, Жаҳонга айтилсин сўзларимизда.

ГУЛИСТОН.

ТОШКЕНТ КИМЭ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
илмий ходимлари ишга ёллашнинг контракт тизимида ўтиши муносабати билан институт илмий тадқиқот лабораторияларидаги кўйидаги лавозимлар бўйича
ТАНЛОВ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
- "Биоконверсия" - катта илмий ходим (фан номзоди-1);
- "Силикатлар" - катта илмий ходим (фан номзоди-1);
- "Озик-овқат ва озуқа хом ашёсини қайта ишлаш" - лаборатория муdiri (фан доктори, фан номзоди-1); катта илмий ходим (фан номзоди-1);
- "Керамик бўёқларни олиш технологияси" - етакчи илмий ходим (фан доктори, фан номзоди-1);
- "Фосфогипсини қайта ишлаш" - катта илмий ходим (фан номзоди-2);
- "Полимерлар" - лаборатория муdiri (фан номзоди, фан доктори-1); катта илмий ходим (фан номзоди-4).
Ариза ва хужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун муддат ичда қабул қилинади.
Манзилгоҳимиз: Тошкент-29, Шевченко кўчаси, 1 уй, илмий бўлим.
Телефон: 56-79-32.

"Маданият" илмий-ишлаб чиқариш савдо-маданий маркази
Тошкентдаги омборларидан олий Хитой кўк чойи, деворга ёпиштириладиган, ювиладиган гулқоғози ва бошқа халқ истеъмоли молларини сотади.
Мурожаат учун телефонлар: 45-49-52, 45-47-45.

Бишкек шаҳридаги "Қирғиз камволь-мовут комбинати" давлат хиссадорлик уюшмаси корхонаси ўз махсулотларини сотиш учун соф жунли, ярим жунли газламалар, ўлчовли қийимлар, соф жунли ва ярим жунли эшилган ип, ярим жунли ватинни "ҚКМК" ДХУнинг Москва шаҳридаги доимий ваколатхонаси ёки Бишкек шаҳридаги хисоб-китоб счётига аввалдан тўлаш шарти билан таклиф қилади.
Алоқа учун телефонлар:
Бишкек шаҳрида: 43-10-40, 43-00-50, 43-18-00
Москва шаҳрида: 275-84-13, 275-84-48

Спорт, спорт, спорт
ИСТЕЪДОДЛАР МАКТАБЛАРДА ТУГИЛАДИ
КАТТАҚУРҒОН туманининг «Ешлик» ўйингоҳида 1977 — 78-йилларда турилган ўсмирлар ўртасида футбол бўйича халқ таълимни ривожлантиришга катта хисса қўшган маориф ходими, марҳум Муҳаммади Турсунов хотирасига бағишланган биринчи мусобақа ўтказилди.
Турнирнинг дастлабки ўйинини М. Турсуновнинг невараси Анвар Турсунов майдонда тўп тешиб, бошлаб берди. Мусобақада 15 жамоа қатнашди. Унда тумanning 6-ўрта мактаб жамоаси голлиб чинди ва М. Турсунов хотирасига бағишлаб туман спорт қўмитаси, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби татсиб этган кўча кубок билан тақдирланди.
Катта истеъдод эгалари ҳам илк марта шундай турнирларда тўп суриб, намол топишган. Шунинг учун ҳам бундай мусобақаларни республикамизда кўплаб уюштириш мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, бу Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ҳам амалий жавоб бўлади.
М. ҲАЙРУЛЛАЕВ. Каттақурғон тумани.

SONY СЕХРГАРЛИГИ-ЭНГ ЮҚОРИ сифатта ўрганиб қолганлар учун
ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА
УЗБЕКИСТОН
1 СЎМ
УЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БАНКИ
99 06252701
Илмий моделлар
\* Савдо 15 мартга
\* Давлатларнинг хизматлари тўғрисида
\* Сўрашларга - текшириш
SONY видеокассетаси
"Дубай трейд"
"SONY" нақдсиз сўм-купонларга (фақат билда)

МУҲТАРАМ ТОШКЕНТЛИКЛАР, ПОЙТАХТИМИЗНИНГ АЗИЗ МЕҲМОНЛАРИ!
"Ўзтрансхимизмати" хиссадорлик жамиятнинг хўжалик хисобидаги "Бахт" агентлиги
- тўй-маъракалар, оилавий тантаналар кунларида ҳам;
- шаҳардан ташқарига - табиат қўйнига отланганингизда ҳам;
Ҳамиша Сиз билан биргадир:
Агентлик сиз учун қулай бўлган ҳар қандай вақтда ўта қулай бўлган "Чайка", "Волга", "Доган" автомобиллари, "Икарус" автобуси ва "РАФ" микроавтобусларини хузурингизга йўллайди.
Сизга транспорт воситаларидан ташқари агентлик авиачипталар сотиб олиш ва уйингизга етказиш, Чилонзордаги 80-уйда жойлашган "Медик" меҳмонхонасидаги замонавий сартарошхонасига ташрифингизни уюштириш каби хизматлар кўрсатиши ҳам мумкин.
Сизнинг муаммонингиз - бизнинг ташвишимиз!
Агентликка бирров кириб кетсангиз ёки сим қоқсангиз кўнглингиздаги оруз ушалиши, табиий.
Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 35 уй.
Телефонлар: 41-79-20, 41-80-27, 41-80-29.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жамоаси прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш ва қўнунчилигини мустаҳкамлаш муаммолари марказининг мазсул ходими А. Давлетовга онаси
Эвёда ДАВЛЕТОВА-
нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.
"Гулшан" ва "Гулча" журналлари жамоалари "Гулча" журналнинг собинчи ходими, шoir
Неъмат ТОШПўЛАТ-
нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг онла аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.
Илоҳим, марҳумнинг охираги обод бўлсин.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО
ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64808.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси.
Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»),
Эркин ВОҲИДОВ, Миркамал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳар-
рир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное
слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ
(масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон
ҚОРАБОВ, Сандаҳрор ГУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Набатчи муҳаррир —
Х. Сатторов, набатчи —
Б. Остонақулов.